

СУНИЙ ИНТЕЛЕКТ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ТАРАҚҚИЁТ РИВОЖИДАГИ АҲМИЯТИ.

Төлегенова Шынаргүл Сансызбай қызы

Қорақалпоқ Давлат Университети Юридика факультети 4-курс талабаси

Аннотация: мақолада бугунги кунда жаҳонда тобора фаол қўлланилиб келинаётган сунъий интеллект, рақамли активлар, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ушбу воситаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасаррӯф этиш жараёнида иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик доираси каби масалалар қайд этилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, рақамли актив, робот-маслаҳатчи, Face-ID, ахборот, замонавий.

Ҳар бир соҳа рақамли технологиялар билан ҳамоҳанг болмаса, мамлакат ривожланмайди⁸.

Дунёда ахборот технологиялари ривожланаётган ва тўртинчи саноат инқилоби борасидаги масалалар кун тартибидан тушмаётган бугунги кунда рақамли технологиялар ва хусусан, сунъий интеллектнинг молия институтлари анъанавий иш моделларига таъсирини ўрганиш, бу борада минимал бўлса-да муайян ҳуқуқий майдонни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, мудофаа, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда.

Интеллект (лотинча интеллестус - сезиш, идрок етиш, англаш, тушуниш) ёки ақль - психиканинг янги вазиятларга мослаша олиш, тажриба асосида о'рганиш ва еслаб қолиш қобилиятидан иборат сифати. Ҳамда тушуниш ва мавхум тушунчаларни қоллаш ва атроф-муҳитни бошқариш учун оз билимларидан фойдаланиш.

Ўзбекистонда ҳам ахборотлаштириш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали 2030 йилга қадар инновацион тараққий етган йетакчи давлатлар қаторидан ўрин егаллаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Маълумки, замонавий сунъий интеллект турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий тизимлардан иборат бўлиб, инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни ахборот базасига киритилган маълумотлар асосида амалга оширади. Шунингдек, сунъий интеллект мураккаб

⁸ <https://www.gazeta.uz/oz/2023/12/20/it/>

таҳлиллар ва катта маълумотлар билан ишловчи дастурларни ўз ичига олиб, мантиқли изчил мулоҳаза қилиш ҳамда тавсия бериш қобилиятига эга “ақлли” технология ҳисобланади. Мутахассислар томонидан сунъий интеллектга тўртинчи саноат инқилобининг асоси сифатида қаралмоқда. Сунъий интеллект (СИ) технологиялари бутун дунёда кенг фойдаланиш бўйича кундан кунга оммалашиб бормоқда. Унинг бир қатор афзалликларига қарамасдан, аксарият ҳуқуқ оиласлари сунъий интеллект (СИ) технологияларини тартибга солишга турлича ёндашадилар. СИ га оид ҳуқуқий масалалар Умумий ҳуқуқ ва Романгерман ҳуқуқий оиласларида аниқ тартибга солинганлиги, турли илмий тадқиқотлар олиб борилганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо СИ нинг ахлоққа таъсири, турли ҳуқуқ манбаларининг сунъий интеллектга муносабати, тартибга солиш механизми ва бошқа шу каби масалалар долзарб аҳамият касб этиши айниқса Ислом ҳуқуқи оиласида ҳам кўп учрамоқда.

“Рақами Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида ҳам молия бозори орасида банк соҳасида сунъий интеллектни қўллаш бўйича алоҳида вазифалар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, Марказий банк ва айрим тижорат банклари тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш вазифаси юклатилган.

Сунъий интеллектга асосланган лойиҳаларни Ўзбекистон шароитида мавжуд дастурлар ва давлат идораларидағи маълумотлар базасини интеграциялаштириш ва кенгайтириш орқали бир қатор истиқболли лойиҳаларни кўриб чиқиши мумкин.

Мисол учун, қишлоқ хўжалиги соҳасида: ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолатини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан, комбайнлар ишини мониторинг қилиш жараёнида сунъий интеллект технологияларини қўллаш кўзда тутилган.

Банк соҳасида эса тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш вазифаси белгиланган.

– Сунъий интеллект медиа соҳасига шиддат билан кириб келди айниқса. Тасвир устида ишлаш, монтаж қилиш кабиларда қўл келяпти. Чет элда шу

даражага чиқдики, телевидениеда бошловчиларнинг сунъий интеллект шакли яратилиб (аватар), дастурлар олиб борилмоқда.

Таълимда ҳам сунъий интеллектнинг катта ўрни бўлиши мумкин. Масалан, ChatGPT'га ойига 20 доллар тўлаб, обуна бўлиш катта фойда берди. У фарзандларингизга турли фанларда маълумотларни жуда ҳам яхши биладиган ўқитувчи бўлиши мумкин. Сунъий интеллект аввал боланинг фанни билиш даражасини аниқлайди ва ҳар бир болага мос дастурни тузиб беради, фанни ўргатади⁹.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Пантелеева Т.А., Арустамов Э.А., Максаев А.А. Возможности искусственного интеллекта в управлении кадровыми ресурсами в условиях свободного предпринимательства // Интернет-журнал «Отходы и ресурсы», 2019 №3,
2. Камилова Р.Ш. Абдулатипова М.А. ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ // Опубликовано в 2013, Выпуск Май 2013,
3. <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/uk/Documents/financial-services/deloitte-uk-artificial-intelligence-capital-marketssector-summary-card.pdf>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.02.2021 йилдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.